

## ДИСКУРСНИНГ ЖАҲОН ТИЛШУНОСЛИГИДАГИ ТАДҚИҚИ.

*Бабаева Гулноза Латифжоновна,*

*Андижон машинасозлик институти,*

*Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси доценти,*

*[boboyevagulnoza@gmail.com](mailto:boboyevagulnoza@gmail.com)*

### Аннотация

Ушбу мақолада дискурс назариясининг пайдо бўлиши, белгиланган тил фанининг ривожланишида сифатли кўтирилиш ва дискурс тушунчасини тарғиб қилиш ва фанга олиб кириш ҳамда уни тилшуносликдаги тадқиқини энг олди вазифаси этиб белгилаб, дискурснинг лингвистик тахлилини илгари суриш назарда тутилган.

**Калит сўзлар:** *discurrere*, лингвистика, нутқ, прагмалингвистика, экстралингвистика.

“Дискурс” тушунчаси тилшунослик, антропология, адабиётшунослик, этнография, социология, социоллингвистика, фалсафа, психоллингвистика, когнитив психология ва бошқа бир қатор фанларнинг бирлашмасида пайдо бўлганлиги сабабли уни таҳлил этиш ҳамда унга таъриф бериш катта қийинчиликларни келтириб чиқаради. Шунга қарамай, айтиш мумкинки, олимларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли турли соҳаларда дискурс назарияси мустақил фанлараро умумий тенденцияни акс эттирувчи замонавий фан сифатида шаклланмоқда<sup>1</sup>. Бу замонавий илм-фан ривожланишидаги интеграциянинг умумий тенденциясини акс эттирувчи фанлараро соҳадир, бу дискурсни чуқурроқ ва кенгроқ ўрганишга, унинг умумий ва ўзига хос хусусиятларини аниқлашга ёрдам беради. Французча илдизларга эга бўлган “дискурс” атамаси “нутқ”, “гапириш”, “мулоҳаза юритиш” деган маъноларни англатади<sup>2</sup>.

Яна бир манбада “дискурс” атамаси этимологик жиҳатдан латинча “*discurrere*” сўзидан келиб чиққан бўлиб, “баҳс-мунозара”, “музокара”, ҳатто “оғзаки жанжал қилиш” маъноларни билдириши таъкидланади<sup>3</sup>.

Лингвистик энциклопедик луғатда дискурсга экстралингвистик, прагматик, ижтимоий-маданий, психологик ва бошқа омиллар билан биргаликдаги изчил матн; воқеа жиҳатидан олинган матн; одамлар ва уларнинг

<sup>1</sup>Борботько В. Г. Элементы теории дискурса. – Грозный, 1981. – С. 7-10.

<sup>2</sup>Дейк Т.А. Язык. Познание. Коммуникация. – М.: Прогресс, 1989. – С. 298.

<sup>3</sup> [Электронный ресурс] // Энциклопедия эпистемологии и философии науки. URL: <http://philosophy.niv.ru/doc/encyclopedia/epistemology/articles/405/diskurs.htm>

онг механизмлари (когнитив жараёнлар)да иштирок этадиган мақсадли ижтимоий ҳаракат сифатида қаралади<sup>4</sup>.

Дискурс бўйича биринчи тадқиқотлар XX асрнинг 50-йиллари охирларига тўғри келади. Бу изоляция қилинган сўз (жумла) ларнинг тилшунослик чегарасидан чиқиб, матнни ташкил этувчи синтагматик занжирни таҳлил қилиш давр эди. Рус тилшунослигида, асосан, нутқда фразеологик бирликни ташкил этувчи сўзлар ўртасидаги мантиқий-грамматик муносабатлар ўрганилган<sup>5</sup>.

“Дискурс” атамаси кўп маъноли бўлиб, бир қатор муаллифлар уни деярли омонимик сўз сифатида ишлатишган. Дискурс (французча discours, англ. discourse) – бу : 1) боғланган матн; 2) матннинг оғзаки ва ёзма шакли; 3) диалог; 4) маъно жиҳатидан боғланган сўзлар гуруҳи; 5) ёзма ёки оғзаки нутқий асар<sup>6</sup>.

Дискурс назариясининг пайдо бўлиши белгиланган тил фанининг ривожланишида сифатли кўтарилиш ва илгари сурилган энг қийин вазифа – дискурснинг лингвистик тавсифини илгари сурди.

Бошқа томондан, Т.А.ван Дейк<sup>7</sup>, В.В.Богданов<sup>8</sup>, А.Г.Баранов<sup>9</sup>, Т.Г.Винокур<sup>10</sup>, Р.Водак<sup>11</sup>, В.И.Карасик<sup>12</sup>, М.Л.Макаров<sup>13</sup>, Т.Г.Слишкин<sup>14</sup>, Е.И.Шейгал<sup>15</sup> тадқиқотларида дискурсни матн сифатида ўрганиш ижтимоий ва прагмалингвистик таҳлил нуқтаи назаридан амалга оширилган. Ю.А.Караулов<sup>16</sup>,

<sup>4</sup> [Электронный ресурс] // Лингвистический энциклопедический словарь / под ред. В. Н. Ярцевой. М., 2002. URL: <http://tapemark.narod.ru/les/136g.html>.

<sup>5</sup>Фигуровский И.А. Основные направления в исследованиях синтаксиса связного текста // Лингвистика текста. Материалы научной конф. Ч. II. – М.: МГПИИЯ им. М. Тореза, 1974. – С. 109.

<sup>6</sup>Николаева Т.М. Краткий словарь терминов лингвистики текста // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. VIII. Лингвистика текста. М.: Прогресс, 1978. – С. 479.

<sup>7</sup>Дейк Т.А. ван, Кинч В. Стратегии понимания связного текста // Когнитивные аспекты языка: Сб. ст. / Сост., ред. и вступ. ст. В.В. Петрова и В.И. Герасимова. – М.: Прогресс, 1988 (Новое в зарубежной лингвистике; Вып. 23). – С. 153-211; Язык. Познание. Коммуникация: Сб. работ / Составление В.В. Петрова; Пер! с англ. яз. под ред. В.И. Герасимова; Вступ. ст. Ю.Н. Караулова, В.В. Петрова. – М.: Прогресс, 1989. – 310 с.; Принципы критического анализа дискурса / Пер. с англ. // Перевод и лингвистика текста. – М.: ВЦП, 1994. – С. 169-217.

<sup>8</sup>Богданов В.В. Коммуникативная компетенция и коммуникативное лидерство // Язык, дискурс, личность. Тверь: Изд-во Твер. ун-та, 1990. – С. 26-31; Текст и текстовое общение: Учеб. пособие / Санкт-Петербург. гос. ун-т. СПб.: Изд-во СГ16ГУ. 1993. – 67 с.

<sup>9</sup>Баранов А.Н. Политический дискурс: прощание с ритуалом // Человек. 1997. №6. – С. 108-118.

<sup>10</sup>Винокур Т.Г. Закономерности стилистического использования языковых единиц. – М.: Наука, 1980. – 237 с.

<sup>11</sup>Водак Р. Язык. Дискурс. Политика / Пер. с англ. и нем. – Волгоград: Перемена, 1997. – 139 с.

<sup>12</sup>Карасик В.И. Язык социального статуса / Рос. акад. наук, Ин-т языкознания, Волгогр. гос. пед. ин-т им. А.С. Серафимовича. М.: Ин-т языкознания; Волгоград: Перемена, 1992. – 329 с.; О категориях дискурса // Языковая личность: социолингвистические и эмотивные аспекты. – Волгоград: Перемена, 1998. – С. 185-197; Религиозный дискурс // Языковая личность: проблемы лингвокультурологии и функциональной семантики. – Волгоград: Перемена, 1999. – С. 5-19; Структура институционального дискурса // Проблемы речевой коммуникации. – Саратов: Изд-во Сарат. ун-та, 2000. – С. 25-33.

<sup>13</sup>Макаров М.Л. Интерпретативный анализ дискурса в малой группе. – Тверь: Изд-во Твер. ун-та, 1998. – 200 с.; Основы теории дискурса. – М.: ИТДГК “Гнозис”, 2003. – 280 с.

<sup>14</sup>Слишкин Г.Г. Лингвокультурные концепты прецедентных текстов: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Волгоград, 1999. – 18 с.

<sup>15</sup>Шейгал Е.И. Семиотика политического дискурса: Монография / Ин-т языкознания РАН; Волгогр. гос. пед. ун-т. – Волгоград: Перемена, 2000. – 368 с.

<sup>16</sup>Караулов Ю.Н. Русский язык и языковая личность / Отв. ред. Д.Н. Шмелёв; АН СССР, Отд-ние лит. и яз. – М.: Наука, 1987. – 261 с.

Л.П.Крисин<sup>17</sup>, М.Р.Брандес<sup>18</sup>, И.П.Сусов<sup>19</sup> ишларида лингвистик дискурснинг социолингвистик хусусиятлари матн таҳлилларида кўрилади.

Е.М.Вольф<sup>20</sup>, В.Н.Телия<sup>21</sup>, Н.Д.Арутюнова<sup>22</sup>, У.Маас<sup>23</sup> асарларида миллий маданиятларда дискурснинг умумий ва ўзига хос хусусиятлари муҳокама қилинади. Ю.А.Сорокин<sup>24</sup>, В.Н.Базилев<sup>25</sup>, В.И.Шаховский<sup>26</sup>ларнинг илмий ишлари дискурснинг тузилиши, вазибалари ва лингвокультурологик хусусиятларига бағишланган. Дискурс таҳлили – бу социолог, психолог, сунъий интеллект бўйича мутахассис, этнограф, семиотика йўналишидаги адабиётшунос, услубшунос ва файласуфларнинг тилшунослар билан биргаликда иштирок этадиган фанлараро билим соҳаси<sup>27</sup>.

Тилшуносликда дискурс муаммосини ўрганишга бағишланган кўплаб илмий асарлар яратилган. Муаллифлар бу ходисани турли хил илмий парадигмада тушунадилар, шунинг учун “дискурс” тушунчаси “тил” тушунчасидан кенгрок тушунилади.

М.Стаббс<sup>28</sup> дискурснинг учта асосий хусусиятини аниқлайди:

- 1) дискурс гап (жумла) хажмидан ошиб кетадиган нутқ бирлиги;
- 2) мазмун жиҳатидан дискурс тилни ижтимоий контекстда ишлатиш билан боғлиқ;

<sup>17</sup>Крисин Л.П. Социолингвистические аспекты изучения современного русского языка. – М.: Наука, 1989. –188 с.; Религиозно-проповедческий стиль и его место в функционально-стилистической парадигме современного русского литературного языка // Поэтика. Стилистика. Язык и культура. Памяти Т.Г. Винокур. – М.: Наука, 1996. – С. 135-138.

<sup>18</sup>Брандес М.П. Стилистика немецкого языка (для институтов и факультетов иностранных языков): Учеб. 2-е изд., испр. и доп. – М.: Высшая школа, 1990. – 320 с.

<sup>19</sup>Сусов И.П. Деятельность, сознание, дискурс и языковая система // Языковое общение: процессы и единицы: Межвуз. сб. науч. тр. / Калинин, гос. ун-т; Редкол.: И.П. Сусов (отв. ред.) и др. Калинин, КГУ, 1988. – С. 7-13; Личность как субъект языкового общения // Личностные аспекты языкового общения: Межвуз. сб. науч. трудов / Редкол.: И.П. Сусов и др. Калинин: Калининск. гос. ун-т, 1989. – С. 9-16.

<sup>20</sup>Вольф Е.М. Функциональная семантика оценки / Отв. ред. Г.В. Степанов. – М.: Наука, 1985. – 228 с.

<sup>21</sup>Телия В.Н. Коннотативный аспект семантики номинативных единиц. – М.: Наука, 1986. – 142 с.; Русская фразеология. Семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. – М.: Языки русской культуры, 1996. – 288 с.

<sup>22</sup>Арутюнова Н.Д. Дискурс // Лингвистический энциклопедический словарь. – М.: Советская энциклопедия, 1990. – С. 136-137; Метафора и дискурс / Теория метафоры: Сборник. / Пер. под рук. Н.Д. Арутюновой, М.А. Журиной; Вступ. ст. [с. 5-32] и сост. Н.Д. Арутюновой; [Авт. примеч. М.А. Кронгауз]. – М.: Прогресс, 1996. – С. 5-32; Язык и мир человека. – М.: Языки русской культуры, 1998. – 896 с.

<sup>23</sup>Maas U. Als der Geist der Gemeinschaft eine Sprache fand. Sprache im Nationalsozialismus. Opladen, 1984.

<sup>24</sup>Сорокин Ю.А., Марковина И.Ю. Понятие «чужой» в языковом и культурном контексте // Язык: этнокультурный и прагматический аспекты. Днепропетровск: ДГУ, 1988. – С. 4-10; Прецедентный текст как способ фиксации языкового сознания // Язык и сознание: парадоксальная рациональность. – М.: Ин-т языкозн. РАН, 1993. – С. 98-117.

<sup>25</sup>Базилев В.Н. К изучению политического дискурса в России и российского политического дискурса // Политический дискурс в России-2: Материалы раб. совещ. – М.: Диалог МГУ, 1998. – С. 6-8.

<sup>26</sup>Шаховский В.И. Язык власти: взгляд лингвиста // Проблемы вербальной коммуникации и представления знаний: Материалы Всерос. науч. конф., посвящ. 50-летию Иркут. гос. лингв. ун-та (15-17 сент. 1998 г.). – Иркутск: ИГЛУ, 1986. – С. 201-203.

<sup>27</sup><http://rus-yaz.niv.ru/doc/dictionary/linguistic-encyclopedic/articles/405/diskurs.htm>

<sup>28</sup>Stubbs M. Discourse analysis: the sociolinguistic analysis of natural language. Chicago: University of Chicago Press, 1983. – P. 272.

3) дискурс диалогик нутқда интерактивдир<sup>29</sup>.

П.Серио “дискурс” атамасининг саккизта маъносини белгилайди: 1) “нутқ” тушунчасининг эквиваленти (Ф.Соссюрга кўра), яъни ҳар қандай аниқ фикр; 2) иборадан каттароқ бирлик; 3) вазиятни ҳисобга олган ҳолда сўзнинг уни қабул қилувчига таъсири; 4) нутқнинг асосий тури сифатидаги суҳбат; 5) сўзловчининг баён қилинаётган фикрга қарши нутқи (Е.Бенвенистега кўра); 6) нутқни актуаллаштириш мақсадида тил бирликларидан фойдаланиш; 7) ижтимоий ёки мафкуравий жиҳатдан чекланган турдаги фикрлар, баёнотлар, масалан, феминистик дискурс; 8) матн ишлаб чиқариш шартларини ўрганиш учун мўлжалланган назарий конструкция<sup>30</sup>. Дискурсни эмпирик ўрганишда, П.Серионинг фикрича, уни “ижтимоий ёки мафкуравий жиҳатдан чекланган сўзлар тури” сифатида кўриб чиқиш самаралироқдир.

В.С.Григорьева ўзининг “Дискурс как элемент коммуникативного процесса: прагмалингвистический и когнитивный аспекты<sup>31</sup>” (“Дискурс коммуникатив жараённинг элементи сифатида: прагмалингвистик ва когнитив жиҳатлар”) монографиясида нутқни лингвистик алоқа бирлиги сифатида ўрганган. Бу ҳар қандай лингвистик бирлик сингари у ҳам шакл ва мазмун хусусиятлари тўплами сифатига эга деб тахмин қилади. Ҳар қандай белгининг ўзи ҳақиқий дунёнинг объектидир. Нутқ актида тақдим этилган маълум бир таркибни вербализация қилиш ва объективлаштириш маълумот билан ишлашни, дунёни билиш ва идрок этиш жараёнларида туғиладиган когнитив жараёни белгилайди.

Олима В.Е.Чернявскаянинг сўзларига кўра, энг кенг тушунчадаги дискурс – бу тематик боғланган матнлар тўпламидир<sup>32</sup>. Муаллифнинг фикрича, сўнгги ўн йиллик нашрларида “дискурс” тушунчасига алоҳида эътибор берилган. В.Е.Чернявская бу атамани қўллаш ижобий эмас, балки тобора кўпроқ салбий динамикага эга бўлаётганини таъкидлайди. Рус тилидаги нашрларда сўз ва жумла эмас, балки бутун бир матн алоқа бирлиги эканлиги айтилади.

Дискурсни махсус категория сифатида ўрганиш мустақил равишда мавжуд бўлган ва ривожланаётган турли хил миллий мактабларда ривожланди. Бунда илмий анъаналар муҳим аҳамиятга эга. Ж.Ж.Лаканом, М.Фуко<sup>33</sup>, М.Пешё, Л.Альтюссером, П.Серио<sup>34</sup> номлари билан боғлиқ нутқни таҳлил қилишнинг

<sup>29</sup> Карасик В.И. К 21 Языковой круг: личность, концепты, дискурс. – Волгоград: Перемена, 2002. – 477 с.

<sup>30</sup> Серио П. Квадратура смысла: Фр. шк. анализа дискурса: Пер. с фр. и португ. / [Сост. П. Серио]; Предисл. Ю.С. Степанова; Общ. ред., вступ. ст. и коммент. – М.: Прогресс, 1999. – 413, [1] с.; 20 см.; ISBN 5-01-004414-5

<sup>31</sup> Григорьева В.С. Дискурс как элемент коммуникативного процесса: прагмалингвистический и когнитивный аспекты. – Тамбов Издательство ТГТУ. – 1999г.

<sup>32</sup>Чернявская В.Е. Дискурс власти и власть дискурса. – М.: Флинта: Наука, 2006. – 136 с.

<sup>33</sup>Фуко М. Порядок дискурса [Текст] /М. Фуко. Воля к истине. – М., 1996.

<sup>34</sup>Чернявская В.Е. Дискурс как объект лингвистических исследований [Текст] /В.Е. Чернявская. Текст и дискурс. – Петербург, 2001.

француз анъанаси ажралиб туради. Бу анъана, биринчи навбатда, нутқни сиёсий-мафкуравий, тарихий ва ижтимоий-маданий таҳлил қилиш билан боғлиқ. У ўз ёндашувида энг мустақил бўлиб, таҳлилнинг лингвистик тамойилларига мос келмайди. Дискурсив таҳлил биринчи навбатда оғзаки мулоқотга, маърузачи ва тингловчининг интерактив ўзаро таъсирига қаратилган бўлса, у изчил нутқни таҳлил қилишнинг мустақил инглиз-американча лингвистик анъанаси сифатида ажралиб туради. Немис-австриялик дискурсни таҳлил қилиш мактаби алоҳида ривожланиб, ёзма матн таҳлилининг анъанавий усуллари дискурс категориясига татбиқ этди.

Л.С.Полякова ўзининг “Теоретические подходы к определению понятия “дискурс” (“Дискурс” тушунчасини аниқлашда назарий ёндашувлар”) мақоласида “дискурс” тушунчасининг талқинлари XX асрнинг 50-йиллари бошида Зеллинг Харрис томонидан атама сифатида киритилганидан бери бир нечта ўзгаришларга дуч келганлигини таъкидлайди. У дискурс таҳлилини “дескриптив (тавсифловчи) тилшуносликни кенгайтириш ва маданият билан тилни ўзаро боғлаш учун” ишлаб чиқилган “изчил нутқни таҳлил қилиш усули” деб атайди<sup>35</sup>.

Шундай қилиб, ушбу атаманинг кўп маънолилиги *нутқ* сўзининг этимологияси билан ҳам тасдиқланган. Дастлаб, лотин тилида “дискурс” сўзи “курсадан четга чиқиш”, “қочиш” каби маъноларни англатган. Аммо XIX асрда Якоб ва Вильгельм Гриммлар томонидан яратилган немис тилининг луғати бу тушунчанинг кўп маънолилигини кўрсатади: 1. диалог, суҳбат; 2. нутқ, маъруза<sup>36</sup>.

Дискурс бўйича бир қанча тадқиқотлар амалга оширилган бўлса-да, бу масала бўйича ҳали ҳам битта аниқ фикр мавжуд эмас. Бу тушунчанинг полисемантик табиати туфайли тилшунослар учун унинг асосий хусусиятларини аниқлаш қийин. Шунинг учун тилшуносликда бу муаммо ҳали ҳам ўта долзарбдир.

Дискурсни ўрганишга бағишланган замонавий тадқиқотлар типологияси А.А.Кибрикнинг “Анализ дискурса в когнитивной перспективе<sup>37</sup>” (“Когнитив нуқтаи назардан дискурсни таҳлил қилиш”) илмий ишида ҳам келтирилган. Унинг фикрича, дискурс уч томондан ўрганилади. Шунга кўра, қуйидагиларни ажратиш мумкин: 1) дискурс қурилишини ва унинг тузилишини ўрганадиган асарлар (локал (маҳаллий), глобал ва б.); 2) дискурсив омилларнинг кўпроқ

<sup>35</sup> Harris Z.S. Analyse du discours // Languages, 1969. – №13. – P. 8 – 45.

<sup>36</sup> Полякова Л.С. Теоретические подходы к определению понятия “дискурс”. – **Магнитогорск**, 2009. – 87.

<sup>37</sup> Кибрик А.А. Анализ дискурса в когнитивной перспективе [Текст]: дисс. в виде доклада д-ра. филол. наук: 10.02.19 /А.А. Кибрик. – М., 2003. – 84 с.

“кичик” тил даражаларига таъсирини кўриб чиқишга қаратилган ишлар; 3) нутқ таксономиясига бағишланган ишлар.

Е.С.Кубрякова инсоннинг мавжудлиги билан дискурсни алоқаси бир неча аспект (жиҳат)ларда кўринади<sup>38</sup>, деб ҳисоблайди. Тадқиқотчи мазкур аспектларнинг уchtасини аниқлайди: 1) дискурсни коммуникация билан алоқаси, ҳақиқий нутқ алоқаси (шу нуқтаи назардан, нутқ тушунчаси нафақат унинг ҳақиқий нутқ оқимлари билан бевосита алоқасини, балки уларнинг услубини, муайян ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш мақсадини ва уларнинг ижтимоий ўзаро таъсирида иштирок этишини акс эттиради. Энг муҳими ушбу омил таъсири остида уни моделлаштириш); 2) дискурс турларини таснифлаш (матн турлари – репортажлар, интервью ва бошқалар, уларни ҳақиқий лингвистик мазмундан ташқарига чиқадиган маълумот манбалари, махсус ақлий оламлар ҳақидаги маълумотлар манбалари сифатида талқин қилиш); 3) алоҳида ажратиб олинган дискурслар (сиёсий, публицистик, фалсафий, илмий ва б.) ни тасвирлашга уриниш.

Е.С.Кубрякова дискурсни “унинг батафсил лингвистик тавсифи ёрдамида махсус дунёни (ёки унинг қиёфасини) куриш мақсадида яратилган ва одатда одамлар ўртасидаги коммуникация жараёнининг бир қисми бўлган<sup>39</sup>” тилдан фойдаланиш шакли сифатида тавсифлайди.

Твер лингвистик мактаби вакили И.П.Сусовнинг сўзларига кўра, “дискурс иерархик равишда қурилган тузилишга эга бўлиб, учта: расмий-семиотик, когнитив-талқин қилинадиган ва ижтимоий-интерактив даражалардан иборат<sup>40</sup>”.

Нутқни когнитив нуқтаи назардан таҳлил қилиб, А.А.Кибрик дискурс нафақат ҳақиқий ўзаро таъсир, балки унга “вақт ўтиши билан уни яратиш ва тушуниш жараёнлари” ҳам киради<sup>41</sup>, деб таъкидлайди.

Дискурсни ўрганишда иккита мактабни ажратиш мумкин. Булар Москва ва Волгоград илмий мактабларидир. Москва мактаби В.И.Тюпа ва унинг ҳамкасбларининг “Дискурс” журналидаги асарларига таянади. Улар нутқни Т.ван Дейкнинг парадигмаси – нутқ “коммуникатив воқеа” деб, белгилайдилар. Бу ҳолда, тилнинг уч жиҳатлари назарда тутилади: креатив (ижодий)

<sup>38</sup> Кубрякова Е.С. О понятиях дискурса и дискурсивного анализа в современной лингвистике: обзор [Текст] / Е.С. Кубрякова // Дискурс, речь, речевая деятельность: функциональные и структурные аспекты /Сборник обзоров. Серия “Теория и история языкознания” РАН. ИНИОН. – М., 2000. – С. 5-13.

<sup>39</sup> Кубрякова Е.С. Язык и знание: На пути получения знаний о языке: Части речи с когнитивной точки зрения. Роль языка в познании мира [Текст] / Е.С. Кубрякова. – М.: «Языки славянской культуры», 2004. – 560 с.

<sup>40</sup> Сусов И.П. Деятельность, сознание, дискурс и языковая система // Языковое общение: процессы и единицы: Межвуз. сб. науч. тр. / Калинин, гос. ун-т; Редкол.: И.П. Сусов (отв. ред.) и др. Калинин, КГУ, 1988. – С. 7-13.

<sup>41</sup>Кибрик А.А. Язык и мысль: Современная когнитивная лингвистика. Языки славянской культуры. – Москва, 2015.

(коммуникатив ташаббус субъекти – муаллиф), референтал (фикрнинг семантик томони) ва рецептив (қабул қилувчи)<sup>42</sup>.

Волгоград мактаби Н.Д.Арутюнова томонидан берилган нутқ таърифига таянади: дискурс – “экстралингвистик, прагматик, ижтимоий-маданий, психологик ва бошқа факторлар билан биргаликда боғланган матн”. Нутққа мақсадли ижтимоий ҳаракат сифатида, одамларнинг ўзаро таъсири, уларнинг онг механизмларида (когнитив жараёнлар) иштирок этадиган таркибий қисм сифатида қаралади. Дискурс – бу ҳаётини нутқ<sup>43</sup>, деб ҳисобланган. Волгоград олимлари матнни тилшунослик билан таҳлил қилишнинг социолингвистик позицияларини бирлаштирган нутқни тасвирлайдилар. Волгоград мактабидаги дискурс типологияси билимларни узатиш мезонлари билан боғланган махсус турдаги (диний, педагогик, расмий ва б.) билимлар билан боғлиқ бўлиб, яъни Волгоград мактабининг “лингво-ижтимоий” дискурси таҳлилин ташкил этади<sup>44</sup>.

“Дискурс” тушунчасининг қўлланиш ҳолати тилшуносликда бир мунча вақт аниқланмаган. Р.Годель 1966 йилда шундай ёзади: “Дискурс – лингвистик таърифларда фойдаланиш учун жуда хавфли сўз, чунки у фикрлашни ҳам, нутқни (la parole) ҳам назарда тутаяди. Шу билан бирга, Э.Бенвенист дискурсни тизим билан таққослади: “Жумла билан биргаликда биз тил соҳасини белгилар тизими сифатида “тарк этамиз” ва бошқа дунёга, тил дунёсига алоқа воситаси сифатида кирамиз, унинг ифодаси эса дискурседир<sup>45</sup>”. Дискурснинг процессуал табиати ҳақидаги фикрини ривожлантириб, у фикр “тилни дискурсга индивидуал ўзгартириш<sup>46</sup>”, деб ёзган. Шундай қилиб, тил тизимини амалга ошириш жараёни – дискурс ва бу жараённинг натижаси – матн ўртасидаги фарқ аниқланган.

Нутқни ўрганишда тилшунослик ўзининг асосий объекти – тилни “тарк этмайди”. Ю.С.Степановнинг фикрича, “дискурс – бу XX аср охирида пайдо бўлган тил қиёфасидаги янги хусусият ҳисобланади<sup>47</sup>”. “Дискурс” тушунчаси ниҳоятда мураккаб ва динамик бўлиб, анъанавий усуллардан фарқ қиладиган янги ёндашувлар ва усулларни талаб этади.

Дж.Браун ва Дж.Юль “Discourse Analysis” (“Дискурс таҳлили”) китобида дискурс маърузачи томонидан тингловчи учун қурилган матн эканлигини ва нутқни таҳлил қилиш тилдан фойдаланишни таҳлил қилишга, яъни у

<sup>42</sup> Тюпа В.И. Аналитика художественного. – М., 2001. – С. 24.

<sup>43</sup> Арутюнова Н.Д. Дискурс // Лингвистический энциклопедический словарь. – М.: Советская энциклопедия, 1990. – С. 136–137.

<sup>44</sup> Шейгал Е.И. Семиотика политического дискурса. – Волгоград, 2000. – С. 9.

<sup>45</sup> Benveniste E. Problemes de linguistique general. – Paris: Gallimard, 1966. – 356 p.

<sup>46</sup> Benveniste E. Problemes de linguistique general. – Paris: Gallimard, 1966. – 356 p.

<sup>47</sup> Греймас Альгирдас Ж., Курте Жозеф. Семиотика: Объяснительный словарь теории языка /Пер. с фр. В.П.Мурат //Семиотика: Семиотика языка и литературы /Пер. с англ., фр., исп. /Сост., вст.ст. и общ. редакция Ю.С.Степанова. – М.: Радуга, 1983. – С. 488.

базарадиган иккита функцияни – трансакцион ва интерактив<sup>48</sup>, деб таъкидлаган. Биринчиси, формалистлар, тил файласуфлари ва психоллингвистлар учун кўпроқ қизиқиш уйғотади, маъно ва далилий маълумотларнинг аниқ узатилиши билан боғлиқ бўлиб, қабул қилувчини маълум бир ҳаракатга ундашга қаратилган (масалан, экспериментни намойиш этаётган ўқитувчи ёки пиёдага йўлни тушунтириб бераётган полициячи). Иккинчи функция социоллингвистларни ўрганиш соҳаси бўлиб, тилшуносликда тасвирланган тил, яъни суҳбатдош билан алоқа ўрнатиш ва шахслараро ўзаро муносабатларни ўрнатиш учун тилдан фойдаланиш (масалан, икки кишининг автобус бекатидаги об-ҳаво ҳақидаги суҳбати).

Дискурсив психология назариётчилари Д.Эдвардс и Дж.Поттер<sup>49</sup> дискурсни кенг маънода тушунишади ва “ҳақиқий дунё”нинг табиий шароитида дискурсни турлари: оғзаки дискурслар (транскриптлар) ва ёзма матнларнинг барчасини нутқ таҳлилининг таъсир доирасига киритадилар. Муаллифларнинг фикрига кўра, нутқни таҳлил қилишнинг учта муҳим тоифаси: ҳаракат, тузилиш ва вариативлик (ўзгарувчанлик) мавжуддир. Шахс оғзаки ёки ёзма нутқда тилдан фойдаланган ҳолда ижтимоий ҳаракатларни амалга оширади. Шу мақсадда танланган лингвистик манбалар тўпламига қараб ўзгаради. Шу билан бирга, нутқнинг ўзгарувчанлиги ижтимоий-фаолият контексти ва муаллифларнинг қарашлари билан белгиланади.

Т. ван Дейк ўзининг “Язык. Познание. Коммуникация<sup>50</sup>” (“Тил. Англаш. Коммуникация”) китобида ҳар бир алоҳида дискурс тури бир қатор мумкин бўлган мавзуларга чекловлар қўяди ва ўз мавзувий базасига эга, деган фикрни исботлайди. Ушбу базанинг чегаралари ҳар сафар индивидуал равишда тил эгасининг шахсий қизиқишлари, қадриятлари, маданий меъёрлари ва ижтимоий хусусиятлари, шунингдек, коммуникатив воқеа ва вазият контекстининг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланади.

Ҳозирги вақтда “дискурс” тушунчаси кўплаб илмий соҳалар учун умумийдир, аммо у ҳамма жойда турлича талқин қилинади. Дискурсни маъноси ва шакли индивидуал ҳамда ижтимоий фикрлаш тарзига боғлиқ. Аммо дискурс, ўз навбатида, одамларнинг онгига ҳам таъсир қилади. Кўпинча нутқ мустақил бирликни ташкил қилади, уни лингвистик онг бошқаради, уни тўлиқ ёки қисман такрорлайди. Матн шаклида ёзилмаган ҳолда ҳам дискурслар бутун асар сифатида оғиздан оғизга, авлоддан авлодга ўтади.

<sup>48</sup> Brown G., Yule G. Discourse Analysis. – Cambridge, 1983.

<sup>49</sup> Edwards D., Potter J. Discursive Psychology. – London, 1992.

<sup>50</sup> Дейк ван Т.А. Язык. Познание. Коммуникация [Текст]: сборник работ / Т. А. ван Дейк; составление В.В.Петрова; пер. с англ. яз. под ред. В. И. Герасимова; вступ. ст. Ю. Н. Караулова, В. В. Петрова. – Москва: Прогресс, 1989. - 310, [2] с.



Дарҳақиқат, инсон фаолиятининг ҳар бир соҳаси ўзига хос нутқ хусусиятига эга бўлиб, унда инсоннинг рефлекс ва алоқа қобилиятлари амалга оширилади. Дискурснинг коммуникатив хусусиятлари ва унинг жамоат амалиётидаги вазифалари кўплаб илмий мунозараларнинг мавзусига айланди.

Лингвистик тадқиқотлар йўлида дуч келадиган қийинчиликларнинг сабабларидан бири нутқнинг динамик хусусиятидир. Сўзларни, ибораларни, жумлаларни фақат стратегик субъектлар, тизимнинг барқарор элементлари сифатида таҳлил қилишда қўлланиладиган усуллар одатда нутққа татбиқ этилмайди. Ва бу бирликларнинг ўзи дискурда барқарор эмаслигини, семантик ўзгарувчанликни, кўп маънолиликни очиб беради.

Демак, нутқ ижтимоий-маданий ўзаро таъсирнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, унинг характерли хусусиятлари қизиқишлар, мақсадлар ва услублардир. Дискурс лингвистик категория сифатида макро-семантик ва шу билан бирга, матнни чуқур семантик таҳлил қилишни назарда тутадиган махсус тадқиқот стратегиясини белгилайди. У маълум бир коммуникатив-прагматик ва ижтимоий-тарихий вазиятда маълум шакллар, тузилмалар, лингвистик бирликлар ёки бошқа матн хусусиятларини аниқлаган сўзларни (матнларни) яратиш учун эпистемик (тузилиши, вазифаси ва ривожланиши) шартларни аниқлашга қаратилган.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

- 1) Абдуллаева М., Абдурашидов М., Абилов У. Фалсафа қисқача изоҳли луғат. – Тошкент: Шарқ, 2004. – Б. 126.
- 2) Сафаров Ш. Лингвистика дискурса. – Челябинск, ЧГКИ, 2018, – 315 с.; Прагмалингвистика. – Тошкент: 2008. – 318 б.;
- 3) Йўлдошев Б. Ўзбек тилида фразеологизмларнинг услубий ва прагматик имкониятлари. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2002. – 37 б.
- 4) Пардаев А. Дискурсив юкламаларнинг прагматик вазифаси хусусида // Бадий асарларни шарҳлаб ўрганиш: тарих, тажриба, технология. Республика илмий конференцияси материаллари. – Тошкент: ТДПУ, 2014. – Б. 197-200.
- 5) «Дискурсив юкламалар» ҳақида // Республика ёш олимлар илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент: ЎзФА, 2014. – Б.271-272.
- 6) Дискурсивные маркеры в узбекском языке // Дискурсология: язык, культура, общество: материалы XIII Международной научной конференции. – Луганск: ЛНУ, 2014. – С.81-91.
- 7) Дискурс ҳақида айрим мулоҳазалар // Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент: ТошДЎТАУ, 2016. – Б.49-51.
- 8) Раупова Л. Диалогик дискурдаги полипредикатив бирликларнинг социопрагматик тадқиқи: филол. фан. д-ри...дисс. автореф. – Т.: 2012.

- 9) Диалогик дискурда миллий ментал омилларнинг намоён бўлиши // “Амударё” журнали, № 5. 2010. – Б. 125-128.
- 10) Dialogical discourse as an environment in which a polypredictive unit is implemented. ISJ Theoretical & Applied Science, 03 (83), 451-457.
- 11) [Диалогический дискурс как среда, в которой реализуется полипредикативная единица](#) // Theoretical & Applied Science. № 3. 2020. – С. 451-457.
- 12) Diyalojik diskursa sosyal mental ve pragmatik etkenler // Turkiy tilda so‘zlashuvchi xalqlar qurultoyi. – 2017; Диалогик дискурс босқичлари ва уларнинг шаклланиши // Дунёвийлик ва динийлик ёшлар нигоҳида. 2010. – Б. 68-72.
- 13) Бадиий ва санъат асарларида маданий нутқ орқали миллий ментал омилларнинг ифодаланиши. Монография. – Тошкент: Инновация- зиё, 2019.
- 14) Нормуродова Н.З. Вербальная экспликация антропоцентризма в англоязычном художественном дискурсе. Автореф. ... дисс.д.ф.н.– Т., 2020. – 81 с.
- 15) Verbal explication of discursive personality in the light of antropthentrism // ACADEMICIA An International Multidisciplinary Research Journal Vol. 10 Issue 12, December 2020.
- 16) Одилова Г. К. Хусусий дискурслар лингвомаданий талқинининг назарияси ва амалиёти Автореф. Филол. фан. д-ри...дисс. – Тошкент, 2020. – 80 б.
- 17) Турниёзов Н. Синтагматик муносабат ва дискурс шаклланишига доир баъзи қайдлар // Хорижий филология. № 4, 2016 йил. – Б. 10-13.
- 18) Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент, 2008. – 318 б. – Б. 236-237.
- 19) Latibjonovna V. G. ТИББИЙ ХОДИМЛАРНИНГ ТИББИЙ НУТҚ МАЛАКАСИ ТАВСИФИ // International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences. – 2022. – С. 124-129.
- 20) Latibjonovna, Babayeva Gulnozaxon. "ТИББИЙ ХОДИМЛАРНИНГ ТИББИЙ НУТҚ МАЛАКАСИ ТАВСИФИ." *International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences* (2022): 124-129.
- 21) Latibjonovna, V. G. (2022). ТИББИЙ ХОДИМЛАРНИНГ ТИББИЙ НУТҚ МАЛАКАСИ ТАВСИФИ. *International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences*, 124-129.